XORAZM MA'MUN AKADEMIYASI

9 789943 515581

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

"ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ЕТИШТИРИШ ВА ҚЎЛЛАШНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ"

мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани

7-8 октябрь, 2019 йил



kasalliklarni halqona usullar yordamida davolashni yanada takomillashtirish lozim deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1.Hojimatov Q.,Olloyorov M,"O'zbekistonning shifobaxsh o'siliklari va ularni muhofaza qilish" T. 1998.

2.Hojimatov Q.X.,Yo'ldoshev K.Y.,Shog'ulomov U.Sh. Hojimatov O.Q.,"Shifobaxsh giyohlar dardga malham" T. 1995.

Қодирова Дилбар Нормўминовна[1],
Абдуллаева Гулноза Комилжоновна[2],

[1]биология фанлари номзоди, доцент, [2]магистрант, Термиз Давлат Университети

СУРХОНДАРЁ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ЗАНЖАБИЛ ЎСИМЛИГИНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Ер юзи яралибдики инсонлар ундаги ўсимлик ва хайвонлар дунёсига қизиқишлари ортиб келган. Ўсимликлардан уй-рўзғор буюмлари ва хар-хил каслликларни даволашда фойдаланишган. Қуйида ана шундай шифобахш ўсимликлардаан бири бўлган занжабил хақида маълумотлар келтирилади.

Занжабил Европага ўрта асрларда савдогарлар томонидан олиб келинган ҳамда ундан зиравор ва дори-дармон сифатида фойдаланилган. Хусусан, ўлатнинг олдини олишда асосий дори воситаси ҳисобланган.

ЗАНЖАБИЛ (Zingiber officinale) - бир паллалилар синфига, занжабилдошлар оиласига мансуб, йўғон илдиз-пояли кўп йиллик ўт ўсимлик. Асосан, тропик ва субтропикларда тарқалган. Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиёда ўстирилади. Занжабил ер ости танасининг ҳамма қисмида эфир мойи бор. Қуриган илдизи хушбўй ҳидли ва мазали бўлиб, эфир мойига бой.

Хитой пазандалигида занжабил сиркаси ва шакарланган занжабил кўп қўлланилади. Хитойликлар шакарланган занжабилни тушки овқатдан сўнг уйқу босишнинг олдини олиш учун истеъмол қиладилар. Японлар эса дастурхонга маринадланган занжабилни гуруч ва балиқ билан бирга қўядилар.

Занжабил (Zingiber officinale) ўсилигини Сурхондарё шароитида иқлимлаштириш мақсадида 2019 йилнинг 13-июль куни Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги дала тажриба майдончасига занжабилнинг илдизпояси олиб келтирилди. Ер тозаланиб, суғорилиб экишга тайёрланди. 14- июль куни соат 18^{00} да 5 сотих ерга 70х30х1 схемада илдизпоялар бир неча бўлакларга бўлиб экилди. 1-қаторига 4 см чуқурликда, 2-3 қаторига 7-8 см чуқурликда, 4-5 қаторига 4 см чуқурликда, 6- қаторига эса 5-6 см чуқурликда экилди. 3-4 август кунлари 2-3 қатордаги экилган илдизпоялар 30 % кўкарди, 1-қатордаги илдизпоялар кўкармади.Бунга сабаб, 8 см чуқурликка экилгани.

Дала тажрибасида 3-вариант қўлланилди. 1- вариант назорат тупроқ, иккинчи вариант минерал ўғитлар, 3- вариант макро, микро элементли вариант. Барча вариантлар уч қайтарликда **рендомизация** усулида экилди.

Сурхондарё вилояти тупроқ иқлим шароитида Занжабил ўсимлигида **фенологик** кузатувлар олиб борилмоқда. Бунда уруғнинг униши, ўсимлик бўйининг узунлиги барг сони, барг узунлиги ва барг эни хисобга олинади.

Бугунги кунда занжабил кўпгина табиий дори-дармонлар таркибига киритилиб, организмни турли иллатлардан ҳимоя қилишда ва бир қанча касалликларга қарши курашда кенг истеъмол қилинмоқда. Занжабилнинг шифобахш хусусиятлари кейинги бир неча ўн йилликларда замонавий мутахассислар томонидан фаол ўрганилмоқда. Шу жумладан, Занжабил жигарни тозалаб, ундан заҳарли моддаларни чиқариб юборади, ўт пуфагини соғломлаштиради, овқат ҳазм қилишни яхшилашда ишлатилади.

Шубҳасиз, занжабилнинг дунёдаги кўпчилик халқлар ўртасида маълуму-машҳурлиги унинг шифобахш хоссалари билан боғлиқ, бу эса, унинг касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашда универсал табиий воситалигидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Норбобаева Т. Жанубий Ўзбекистон ўсимлик қопламининг таснифи// Узбекский биологический журнал. –2004. –№1. –С.

2. Хўжаев Ж. Ўсимликлар физиологияси. Т.: «Меҳнат» 2004. 223 с.

3. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2013 йил 22-сони.